

# **“Ўзстандарт” агентлигининг Ахборот-таҳлилий ва методологик Бошқармаси тўғрисида НИЗОМ**

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. “Ўзстандарт” агентлигининг Ахборот-таҳлилий ва методологик бошқармаси (кейинги ўринларда — Бошқарма деб юритилади) Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бошқарма ўзининг фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа норматив-хукуқий хужжатлар, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тўғрисидаги низом, агентлик Ҳайъатининг қарорлари, агентлик бош директорининг буйруқлари ва фармойишлари, шунингдек мазкур Низомга амал қиласди.

## **II. БОШҚАРМАНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

3. Куйидагилар Бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Агентлик бошқармалари, бўйимлари ва тизим ташкилотларининг соҳа бўйича фаолиятларини таҳлил қилиш, таҳлил натижаларида соҳани ривожлантириш дастурларни ишлаб чиқишақатнашиш;

Стандартлаштириш, сертификатлаштириш, метрология ва техник жихатдан тартибга солиш соҳаларида белгиланган вазифаларни ва амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш ҳамда халқаро тажрибани ўргангандан холда соҳани ривожлантириш, қонунчиликни ўзгартириш бўйича тегишли бошқармалар билан биргаликда таклифларни ишлаб чиқишақатнашиш;

Соҳа бўйича ахборот-таҳлилий маълумотларни, хисоботларни, раҳбар маърузаларини, Ҳайъат қарорларини, йиғилиш баёнлари, ривожлантириш режалари ҳамда уларни амалга ошириш механизmlарини тайёрлаш;

Соҳани ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилаётган норматив ҳукуқий хужжатларни ишлаб чиқилишида иштирок этиш;

Давлат ва бошқарув органларининг мурожаатлари асосида агентликнинг бошқарма, бўйимлар ва тизим ташкилотларининг маълумоти асосида йиғма ахборот маълумотларини шакллантириш;

Бошқарма, бўйимлар ва тизим ташкилотларининг самарадорлик мезони бўйича тайёрланган хисоботларини умумлаштириш, таҳлил қилиш ва йиғма хисоботини раҳбариятга киритиш;

Бошқарма, бўйимлар ва тизим ташкилотларини ахборот методологик материаллар билан таъминлаш ва методологик қўмак кўрсатиш;

Бошқарма, бўлимлар ва тизим ташкилотлари билан хамкорликда долзарб масалаларни аниқлаш ва ўрганишга қаратилган ижтимоий тадқиқотларни олиб бориш;

Стандартлаштириш, сертификатлаштириш, метрология ва техник жихатдан тартибга солиш жараёнларига тегишли хужжатлардан, статистика, хulosалар ва бошқа маълумотлардан фойдаланган холда ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш,

Ислоҳотларнинг боришини мониторинг қилиш, мониторинг натижалари бўйича таҳлилий материалларни тайёрлаш;

Агентликнинг режа ва дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун раҳбариятга киритиш;

Агентлик раҳбариятининг топшириғига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида ва бошқа давлат органларида ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан агентликнинг вакили сифатида қатнашиш;

Бошқарма фаолияти соҳасидаги қонун хужжатларини қўллаш бўйича хulosалар тайёрлаб, агентлик раҳбариятига киритиш;

Ахолини ва халқаро жамоатчиликни “Ўзстандарт” агентлиги фаолияти тўғрисида таништириш учун ҳар хил мақолалар, оммавий ахборот воситалари, халқаро ташкилотлар билан биргаликда ишлаш орқали ахборот-таҳлил маконини яратиш, агентликнинг расмий сайтида берилаётган маълумотларнинг координациясини олиб бориш.

4. Бошқарма ўз ваколатлари доирасида бошқа вазифа ва функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **III. БОШҚАРМАНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5. Бошқарма ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуидаги ҳуқуқларга эга:

Ахборот-таҳлилий ва методологик бошқармаси учун белгиланган вазифалар доирасида, агентлик марказий аппарати бошқарма, бўлим ва тизимташкилотларидан зарур хужжатларни, статистика ва бошқа маълумотларни, таҳлилий материалларни, хulosалар ва бошқа ахборотларни сўраш, беришни талаб қилиш ва қаршиликларсиз олиш;

Агентлик раҳбарияти ва бошқа давлат органлари кўриб чиқиши учун қонун хужжатларини ва фаолиятни такомиллаштириш масалалари бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

Агентликнингбошқарма, бўлимва тизим ташкилотларининг иш натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, соҳани ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш масалалари бўйича раҳбариятга таклиф киритиш;

Халқаро конференциялар, конгресслар, симпозиумлар ва йиғилишлар ишида, шунингдек ахборот-таҳлилий тадқиқотлар халқаро лойиҳаларида қатнашиш;

Бошқарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича республика вазирликлари, идоралари, бошқарув ва ҳокимият маҳаллий органлари, хорижий давлатлар тадқиқот ва статистика ташкилотлари билан ёзишмалар олиб бориш; «Интернет» ва бошқарма ахборот тармоқларига уланиш.

6. Бошқармаагентлик раҳбарияти қўриб чиқиши учун соҳа ривожланиши тенденцияларини тавсифловчи таҳлилий материаллар тақдим этади.

7. Бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Бошқарма ўзига юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавобгардир.

#### **IV. БОШҚАРМА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

9. Бошқармага Бош директор томонидан лавозимга тайинланадиган бошқарма бошлиғи раҳбарлик қиласди.

10. Бошқарма бошлиғи ўринбосарга эга. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари ва бошқарманинг бошқа ходимлари Бош директор томонидан лавозимларига тайинланадилар ва лавозимидан озод қилинадилар.

11. Бошқарма ўз фаолиятини агентлик раҳбарияти томонидан тасдиқланадиган йиллик ва чораклик иш режалари асосида амалга оширади.

12. Бошқарма ўз ишини агентлик марказий аппарати бошқармалари, бўлимлари ва тизим ташкилотларитомонидан тақдим этилган маълумотларни умумийлаштириш ва тахлил қилиш асосида ташкил этади.

13. Бошқарма бошлиғи:

Бошқарма фаолиятига бевосита умумий раҳбарлик қиласди, бошқарма ишларини ташкиллаштиради, йўналтиради ва назорат қиласди;

Бошқармага юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Бошқарма ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда агентликнинг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга оширади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун Бошқарма ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўради;

Агентлик Ҳайъати қарорлари, Бош директор ва унинг ўринбосарлари буйруқлари ҳамда топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

Бошқарманинг иш режалари ишлаб чиқилишини таъминлайди, уларни тасдиқлаш учун киритади, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

Бошқармада кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда Бош директорга таклифлар тақдим этади, профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак ишчанлик ва маънавий-аҳлоқий фазилатларга эга бўлишида, уларнинг касб малакасини оширишдакеракли чораларини кўради, бошқарманинг кадрлар захирасини шакллантиради;

Бошқармада тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кейинчалик агентлик раҳбарияти томонидан кўриб чиқиши, имзолаш (виза қўйиш) учун олдиндан кўриб чиқади ва виза қўяди, уларни белгиланган талабларга қатъий риоя этилган ҳолда раҳбариятга ўз вақтида киритилишини таъминлайди, агентлик раҳбариятининг топшириғи бўйича норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини агентлик марказий аппаратида ишлаб чиқишида иштирок этади;

Бошқарма ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қиласи, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитади, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирларни кўради;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ бошқармада коррупция ва бошқа хуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўради, шунингдек хуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлайди, таҳлил қиласи ва бартараф этади;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қиласи;

агентлик раҳбариятига бошқарма ходимларини рағбатлантириш, интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритади;

агентлик Ҳайъат мажлисида муҳокама қилиш учун раҳбариятга таклифлар киритади;

ўз ваколати доирасида тегишли ҳужжатларни имзолайди.

14. Бошқарма бошлиғи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни хам амалга оширади.

15. Бошқарма ходимлари ўз фаолиятини агентлик раҳбарияти билан келишилган ва тасдиқланган мансаб йўриқномаларига мувофиқ амалга оширадилар.

16. Бошқарма ходимлари хизмат вазифаларини бажариш вақтида, юклатилган ва колатлар доирасидан четгачиқсанликлари, шунингдек қонунга хилоф ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлиги, хизмат вазифаларини бажармаганликлари ёхуд лозим даражада бажармаганликлари ва хизмат этикаси қоидаларини бузганликлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда интизомий ёки бошқа жавобгарлик катортиладилар.